



Ўзбекистон Республикаси  
Андижон вилояти Андижон шаҳар  
«Андижонхўжаролойиҳа»  
Маъсулияти Чекланган  
Жамияти

## Лойиха-смета ишларини бажаришга

Шартнома № 26-22

Шартнома номи:

**Жалақудук тумани "Туялас" ва  
"Шахрихончек" МФЙларда янги  
курилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг  
ичимлик ва оқова сув тизимларини куриш**

Буюртмачи:

**«Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари  
қурилиши бўйича инжиниринг компанияси»  
УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси**

**Андижон – 2022 йил**

**№ 26-22 сонли**

Лойиха олди ва лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пурдат  
**ШАРТНОМАСИ**

2022 йил «12» сентябрь

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ваҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи М. Ахунов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «Пудратчи» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган “Андижонхўжаролойиҳа” МЧЖ ва унинг раҳбари М.Иброҳимов иккинчи томондан мазкур шартномани кўшимча келишувни туздилар.

**1. Шартноманинг мазмуни**

1.1 “Пудратчи” Жалакудук тумани “Туялас” ва “Шахрихончек” МФЙларда янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш учун лойиха олди ва лойиха смета хужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик хужжатлари экспертиза” ДУК хулосасини олиш ишларини тайёрлаш обьекти бўйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва лот раками объект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 “Пудратчи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойиҳалаш топшириқларида кўрсатиб ўтилган ишларни «\_\_\_\_\_» ҳақидаги ШНК1.02.09-15 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллади.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисадий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқлarda назарда тутилади.

1.4 “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан 14 кунга белгиланган

1.5 “Пудратчи” “Буюртмачи” нинг руҳи ишларни кутмасдан, кўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Кўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Пудратчи” зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбай хисобидан амалга оширилади.

**2. Томонларнинг мажбуриятлари**

**2.1 “Пудратчи” нинг мажбуриятлари:**

- “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошка бошланғич хужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш

2.2 “Пудратчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга хакли эмас.

**2.3 “Буюртмачи” нинг мажбурияти:**

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Пудратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларнинг мазмунини “Пудратчи” нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

### **3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи**

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиха ишларига ўтказилган танлов савдосининг шартнома киймати **299 000 000 (Икки юз туксон туккиз миллион )** сўм (КҚС билан) булиб,

- Бундан “**Буюртмачи**” томонидан “**Пудратчи**”га ЛСХ харажати қийматининг **30 фоизлик** миқдорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **89 700 000 ( Саксон туккиз миллион етти юз минг)** сўмни ташкил қиласди.

Колган маблаглар **70 фоиз** миқдорда маблаг яъни **209 300 000 (икки юз туккиз миллион уч юз минг)** сўм бажарилган ишларга нисбатан жорий молиялаштирилади.

3.3 “**Буюртмачи**” “**Пудратчи**”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил—кесил хисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “**Пудратчи**” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 “**Пудратчи**” ишларни бажариб бўлгач, “**Буюртмачи**”га топшириш—қабул қилиш далолатномаси билан биргалиқда илова килиб 3 та нусхада хужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “**Буюртмачи**” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш—қабул қилиш далолатномасини ва хисобот хужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш—қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш—қабул қилиш давомида “**Буюртмачи**”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишининг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир—бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкланди.

4.7 Ўзаро ҳисоб—китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан хисобланади.

### **5 . Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1 “**Буюртмачи**” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “**Буюртмачи**” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб—китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга хақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва хакозо) учун “**Буюртмачи**” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% хажмида пеня тулади.

5.3 “**Буюртмачи**” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “**Пудратчи**” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % хажмида пеня тўлади. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “**Пудратчи**” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишида олган мажбуриятларини бузганлиги учун “**Буюртмачи**”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлади. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “**Пудратчи**” уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Пудратчи” ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиг бўлмайдиган холатлар (форс-мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёrlари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар талаб этиладиган сифатга, техник шарт (топширик) ларга мос келмаса ва иш хажмлари тўлиқ лойиха-смета хужжатларига киритилмаган ҳолда, “Лойихачи” ушбу ишларни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хақли, “Пудратчи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга хақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга хақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар хакидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнida тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиха олди ва лойиха-смета хужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета хужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тулайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатларв а бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарлиқдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вақтга мосравишда оркага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазиятиёкиунинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” курилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришини муҳокамақиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнida бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Пудратчи” учун «форс-мажор» ҳолатигатенг ҳисобланади.

## 7. Кўшимчашартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1-бандда кўрсатилган обьектдан ташкари, “Пудратчи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга хақли эмас, “Пудратчи” эсаолинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида» ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичидаги хабардор қилишлари шарт.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.

8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

#### 9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўргасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан хакамлар суди томонидан кўриб чиқилади

#### 10. Томонларнинг реквизитлари

##### БУЮРТМАЧИ

“Узсувтаъминот” АЖ «Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Андижон вилоят ҳудудий

Андижон шаҳри, Чинабод ко‘часи 59-үй.

Узсаноатқурилишбанк-МФО-00440

Х/Р. 20210000300974345001.

ИНН: 305980724. ОКОНХУ-90213

ШХР: 301121860034017063201110042

Андижон вилояти газначилик бошқармаси.

Каз. счет: 23402000300100001010

МБББ ХККМ. г. Ташкент МФО 00014

СТИР Каз.под: 201122919

##### ПУДРАТЧИ

“Андижонхўжаролойиҳа” МЧЖ

Манзил: Андижон ш. А.Фитрат-214

тел: 74-223-70-13

АТБ “Хамкор банк” Нодирабегим бўлими

Хисоб раҳами: 2020 8000 4002 8579 3001

МФО: 00079 ИНН: 200 230 777

ОКОНХ 66000

Бошкарма бошлиғи:

М.Ахунов

Хукуқшунос:

Г. Атаканов



Рахбар

М.Иброҳимов